

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.



Высшее благо
медицины —
здоровье.

Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqan boshlagan. № 33-34 (446-447) 2005-yil 30 avgust—4 sentabr Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Мустақиллик муборақ, эй азиз юртим!

КАДРЛИ ТИББИЁТЧИЛАР!

Барчангизни ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган истиқлолимизнинг 14 йиллик айёми билан чин дилдан қутлайман. Бу йил юртимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган. Зилмамизга ҳар қанонсиздан ҳам кўра юксак маъсулият юклаган. Ишоним комилки, маммакатулимиз тиббиётининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган Сиз азизлар — бу қаби юксак ишонни ўзингизнинг шарофли меҳнатингиз билан оқлайсиз, бутун сатъ-ҳаракатингизни юрт раънақи, унинг гўлаб-яшнаши, халқимиз саломатлигини мустақамлашдек ошканоб ишга қаратасиз.

Ўрсатган фойдаланиб барчангизга мустақам соғлиқ, хонадонингизга раъз-барақа, ишнингизга рувож тулайман.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб-чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Адилов Агитай — Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Темиров Ботир Даминович — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 25 август.



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг
Хайъат йиғилиши

ТАНҚИДИЙ РУҲДА

2005 йилнинг 26 август
куни Соғлиқни сақлаш ва-
зирлигининг мажлислар за-
лида вазирлиқнинг нарват-
даги хайъат йиғилиши бўлиб
ўтди.

Йиғилиши Соғлиқни сақлаш
вазирлиги Ф. Назиров кириш сўзи
билан очиб, республикадаги
тиббиёт муассасаларида фао-
лият юритаётган мутахассис-
ларнинг иш таркиби ўзгарган-
лиги ва янгиликлар киритилган-
лигини таъкидлади. Шунингдек,
тиббиёт академиясининг таш-
кил этилиши ва ушбу даргоҳ
олдидаги муҳим вазифалар ни-
мадан иборат эканлигини ҳамда
давнинг талаби бўлган кадр
мутахассислар малакасини
ошириш, улар учун етарли
шарт-шароитларни яратиш ке-
раклиги, бирламчи бўлинга
бўлган эътиборни кучайтириш
масалаларини айтиб ўтди. Йи-
ғилиш кун тартибиде тиббиёт
тизимида врачлар малакасини
ошириш, молиявий аҳвол,
дори-дармон ва тендер савдо
яқунлари бўйича тузилган шарт-
номалар ижросини таъминлаш-
нинг аҳволи ҳамда 2005 йил
кузги ва қишки мавсумга тай-
ёргарлиқни таъминлаш чора-
тадбирлари тўғрисидаги дол-
зарб масалалар асосий мавзу
қилиб олинди.

Ушбу муҳим масалалар бўй-
ича раҳбар мутахассисларнинг
берган кўрсатмалари ҳамда
слайдлар бўйича таҳдид этил-
ган далиллар муҳокама учун
қўйилган масалаларга оидлик
киритди. Айниқса, кадрлар ма-
лакасини оширишга бўлган
эътиборни янада кучайтириш,
тиббиёт муассасаларини йўна-
лишлар бўйича кадрлар билан
таъминлаш масалалари кенг
қамровда кўриб чиқилди. Йи-
ғилиш давомида молиявий
аҳвол бўйича камчиликлар бор-
лиги таъкидланган бўлса, дори-
дармон масалаларининг меъ-
рий тарзда олиб борилаётган-
лиги натижада ташкилотлар
орасида жиддий сабабларни
келтириб чиқараётганиги му-
тахассислар томонидан эътироз
этилди. Кузги ва қишки мавсу-
мга тайёр бўлмаган республика
тиббиёт муассасалари тўғриси-
да ҳам танқидий фикрлар бил-
дириб ўтилди. Ушбу долзарб
масалалар бўйича иштирокчи-
лар мутахассисларга фаолият-
ларида муаммо бўлиб турган
саволлар билан мувожаат қил-
дилар.

Йиғилиш сўнггида вазир
Ф. Назиров юқоридаги фикр-
лардан келиб чиққан ҳолда
халқимиз соғлиги учун тиббий
хизмат сифатини яхшилаш энг
муҳим масала эканлигини яна
бир бор таъкидлаб ўтди.

И. СОАТОВА.



ҲАМКОРЛИКДАГИ БИТИМ

**Кейинги пайтларда Соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб
салоҳиятли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча ташкилотлар билан
ҳамкорлик борасидаги муайян ишларни ҳамжихатликда
олиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.**

Бундай савобли ишларнинг
замирида фақатгина халқимиз
учун буюк неъмат бўлган соғ-
лиқ ва тотувлик ётади. Қуни
кеча Соғлиқни сақлаш вазири-
лиги яна бир савобли ишга
қўл урди.

Вазирлиқнинг мажлислар
залида Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Мажлисининг ин-
сон ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) билан Ўзбекис-
тон Республикаси Соғлиқни

сақлаш вазирлиги ўртасида
фуқароларнинг соғлигини сақ-
лаш ва уларга малакали тиб-
бий хизмат кўрсатилиши бора-
сидаги ҳуқуқларига риоя эти-
лиши ва бундай ҳуқуқларнинг
таъминлаши соҳасидаги ҳам-
корлиги тўғрисидаги битимга
бағишланган йиғилиш бўлиб
ўтди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш
вазирлиги Ф. Назиров кириш сўзи
билан очиб, республика тиб-

биёт тизимидаги фаолиятлар
хусусида тўхталиб, тиббиёт
ходимлари ва фуқароларнинг
ўзига хос ҳуқуқлари борлиги-
ни таъкидлади. Сўнгра, Ўзбе-
кистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқла-
ри бўйича вакили (омбудсман)
С. Рашидова сўз олиб, фуқаро-
лар соғлигини сақлаш,
уларга малакали тиббий хиз-
мат кўрсатилиши борасидаги
ҳуқуқларига риоя этилиши ва
уларни таъминлаш энг муҳим
масалалардан бири эканлиги-
ни эътироф этди.

Битимнинг асосий мақсади,

(Давоми 2-бетда).

Спорт

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛПАШУВ

Жорий йилнинг 22-24 ав-
густ кунлари Жиззах вилоя-
тининг Зомин туманида
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшма Марказий
Кенгаши, Ўзбекистон Соғлиқ-
ни сақлаш ходимларининг
«Сихат-саломатлик йили»га
ва Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 14 йилли-
гига бағишланган тармоқ V
Спартакиадасининг якуний
мусобақалари бўлиб ўтди.

Спорт мусобақаларида вило-
ятларнинг тиббиёт муассасала-
ридан 340 нафар тармоқ ходим-
лари спортнинг енгил атлетика,
стол тенниси, волейбол, тош
кўтариш, арқон тортиш ва тар-
моқ спартакиадасида биринчи
марта миллий кураш турлари
бўйича мусобақалашдилар.
Ўзаро беллашувлар жуда жўш-
қим, илиқ дўстлик руҳида ўтди.
Умумжамоа бўйича биринчи
ўринни Жиззах, иккинчи ўрин-
ни Сурхондарё, учинчи ўринни
эса Бухоро вилоятларининг иш-
тирокчилари қўлга киритдилар.
Ғолиб ва иштирокчиларга қим-
матбахо совғалар топширилди.
Кўтаринки руҳда ўтказилган
тармоқ V Спартакиадаси ишти-
рокчи ва меҳмонларда унитил-
мас таассурот қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу-
тун Ўзбекистон халқини Муста-
қиллигимизнинг 14 йиллиги би-
лан самимий қутлайман.

Озода МУХИТДИНОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Марказий
Кенгашининг раиси.

РЕКЛАМА VA E'LOMLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимлари ва давлат хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли хиссаси, бетаҳрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Алимов Собир – Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Т. Дадажонов кишлоқ врачлик пункти шифокори

Атраубаев Баксиик – Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «Хател» кишлоқ врачлик пункти мудир, фельдшер

Троицкая Светлана Ильинична – Тошкент шаҳар Муруват уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришда катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб хиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчи-

лик фаолияти, умумхалқ иззат-хурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт хурмати»

ордени билан
Агаликов Мухиддин Насриддинович – Наманган вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош врач

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Шахизиров Жаббор – Тошкент шаҳар 17-сон клиник шифохонаси жарроҳлик бўлими мудир

«Меҳнат шухрати»

ордени билан
Асильбекова Нагима Қайнарона – Навоий вилояти Учқудуқ тумани «Жуққудуқ» кишлоқ худудий шифохонаси дояси

Охундадаев Абдурахмон – Наманган вилояти Уйчи туман силга қарши кураш диспансери врач-фтизиатри

Иброҳимова Санталат Ориповна – «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти тиббиёт илмий таҳририяти мудир

Каримова Гулсара Матназаровна – Хоразм вилояти Хива туманидаги 1-сон поликлиникаси ревматолог

Мақсудов Рафаиль Сергеевич – Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали анестезиолог-реаниматолог

Мираъзамов Анвар Мирсолихович – «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи

Номозов Бойдулла – Жиззах вилояти Бахмал туман марказий шифохонаси терапевти

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барқарор авлодни воғга етказиш ишига қўшган катта хиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан
Латипова Ильмира Явдатовна – Сурхондарё вилояти болалар шифохонаси бўлим мудир

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан
Акрамова Дилбар Актамоновна – Навоий вилояти Қизилтепа туман марказий шифохонаси бош педиатри

Алиева Марғуба Фаниевна – Ақушерлик ва гинекология илмий-текширув институтининг Наманган филиали врач-неонатолог

Белянушкина Раиса – Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги «Кўриқтом» кишлоқ врачлик пункти маҳалла шифокори

Бердиева Зумрад Бобоқуллова – Бухоро вилояти Олот туманидаги Юқори Олот кишлоқ врачлик пункти мудир

Раҳмонова Муборак – Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар Ингича тиббий санитария қисми болалар консултацияси педиатри

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ҳамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари би-

лан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шухратини юксалтиришга қўшган хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан
Ғуломов Тўражон Дадажонович – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий илмий кенгаши бош мутахассиси

Косаманов Энгельс – Навоий вилояти Учқудуқ тумани Қулқудуқ кишлоқ врачлик пункти мудир

Жисмоний ногиронлигига қарамаддан қийинчилик ва тусиқларни мардондор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фаилатларини намойён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб хисса қўшиб келадиган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:

«Жасорат» медаллари билан
Жамоллова Моҳирабону Зайниевна – Сирғали тумани марказий маслаҳат-таъхис поликлинисининг болалар кардиоревматолог, Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат» медаллари билан
Абдуллаева Турсунбой Хабибона – Тошкент вилояти Бекобод туман болалар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси
Асадова Розия Ражабона –

Бухоро шаҳридаги Муруват уйи катта ҳамшираси

Бекмамбетова Валиде Ягъевна – Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали директори ўринбосари

Исмоилова Тоҳира Абдусаматовна – Тошкент вилояти «Кичкинтой» болалар уйи бош шифокори

Маматқуллова Холида Илёсхоневна – Сирдарё вилояти Гулистон туман марказий шифохонаси клиник-диагностика бўлимининг катта лаборанти

Мамашоев Азамат Шарифбоевич – Наманган вилояти «Она ва бола» скрининг маркази лаборатория мудир

Маткаримова Салима Машариповна – Хоразм вилояти Хива муруват уйининг тиббиёт ҳамшираси

Мўминова Мамлакат Ҳамроқулловна – Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Акмал Икромов кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врач

Никитина Нина Михайловна – Сурхондарё вилояти травматология-ортопедия шифохонаси консультатив поликлиникаси ҳамшираси

Нурнизоов Алламбергенов Ешембаевич – Қорақалпоғистон Республикаси орттирилган иммунитет танқислиги синдроми маркази врач

Хусанова Гулчехра Суяновна – Самарқанд вилояти Нуробод туман марказий шифохонасининг шовилинч тиббий ёрдам бўлими катта ҳамшираси

Элмуродова Роҳила – Навоий вилояти Навбахор тумани болалар поликлиникасининг патронаж ҳамшираси

ҲАМКОРЛИҚДАГИ БИТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

инсон ўз саломатлигини ҳимоя қилиши ва унга тиббий хизматлар кўрсатилиши борасидаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ва ҳимоя қилинишини, соғлиқни сақлаш соҳасидаги Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу соҳадаги инсон ҳуқуқларини, шунингдек, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши мониторингини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг тиббий билимлари ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот — маърифий фаолият соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, тарафлар томонидан тиббий хизматлар сифатини ошириш ва сонини кўпайтириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этиш, шу билан бирга уларни ҳимоя қилишга тааллуқли биргаликдаги таклифларни давлат органларига киритиш каби масалаларга эътибор қаратиш ва уларга амал қилишдан иборатдир. Тадбир давомида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича қўмита раиси И. Насриев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокуратура-тергов ишларини олиб борадиган кадрлар малакасини ошириш марказининг раҳбари Э. Абзалов, Ўзбекистон тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси О. Мухитдинова ва бошқалар ҳам битим доирасида белгиланган масалалар бўйича ўзларининг ижобий фикрларини билдирдилар.


Тадбир сўнггида икки томон ўртасидаги битим Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров томонидан имзоланди. Мазкур битим ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, келгусида ўзининг махсусий натижаларини беришига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА.



БАҲС-МУНОЗАРАЛАР ДОИРАСИДА

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг соғлиқни сақлаш тизимида, яъни «Ҳамширалик иши» борасида олиб бораётган фаолиятлари узлуксиз равишда давом этиб келмоқда. Қуни кеча 1-Республика тиббиёт коллежи бинасида жойлашган ўқув марказида «Ҳамширалик таълимининг такомиллаштириш» лойиҳасининг маълум бир мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



Мазкур семинарда Тошкент шаҳар ва вилоятининг тиббиёт муассасалари ва руҳий шифохоналарида фаолият қилмаётган ҳамширалар ҳамда барча мутахассислар иштирок этишди. Семинарни Китасато университети «Ҳамширалик иши» факультетининг профессори Дегучи Сачико олиб борди. «Рухий парвариш нима?» деб номланган семинарнинг асосий мавзуси — «Психиатриядаги парвариш ва руҳий парвариш — бу бир хил нарсаси эмас», «Зўриқтириш ва руҳий тушқунлик», «Рухий парваришнинг роли ва моҳияти» каби масалалар қамраб олинди.

Семинар якунида иштирокчилар ўзаро баҳс-мунозаралар доирасида фикр-мулоҳазалар билдиришиб, олдларида муаммо бўлиб турган масалаларга асосий эътиборни қаратдилар. Сўнгга, катнашчиларга ўқув-семинардан олган билимлари бўйича сертификатлар топширилди.

Тиббиёт амалиётида учровчи ҳодиса

КЎЗ ОЛМАСИ ЛИМБИДАН ТИББИЙ “ЗУЛУК”НИНГ ЧАҚИШИ

Гирудотерапия – қадим-ги даволаш усули бўлиб (лотин тилидан Hirudina – зулук), зулуклар ёрдамида даволаш маъносини англатади. Зулуклар ёрдамида даволаш Гиппократ, Гален, Ибн Сино даврларидан маълум бўлиб, буюк рус врачлари Пирогов, Мудров, Захарьин улар ёрдамида даволашга катта аҳамият берилган.

Тери юзасига ёпишган “зулук” ўзидан гирудин ферментини ишлаб чиқаради ва бунинг натижасида қонда қуюқланиш хусусияти камайиб, қон суюқланиши кузатилади. Зулукларни ушбу хусусиятларидан тромбоз ва тромбофлебит касалликлари ва бошқа бир қатор касалликларни даволашда қўлшаш самарали натижа беради.

Зулуклар антисклеротик хусусиятга эга бўлиб, қон томирларда қон айланиши, лимфа томирларида “лимфа” суюқлиги айланишини яхшилаш, “липолитик фермент”лар ёрдамида қондаги ёғлар ва хо-

лестерин микдорини камайтиради ва уларни бу хусусиятларидан атеросклероз ва семиришни даволашда фойдаланилади.

Зулуклар кўз олмасига ёпишиб қолиши жуда камдан-кам ҳолат бўлиб, бу ҳақда амалдаги адабиётларда маълумот камлигини ҳисобга олиб, биз ўз клиник кузатувимиз ҳақида маълумот бермоқчимиз.


Бемор Ф. 15 ёш. Жинс эркак. Қишлоқ врачлик пунктидан 2005 йил 22 июнда вилоят кўз касалликлари шифохонасига “Чап кўзида ёт жисм” ташҳиси билан юборилган. Анамнездан маълум бўлишича икки кун олдин кўлмак сувли ҳовузда чўмилиган ва сув остида ўйнаб, кўзини очган. Чўмилишдан бир кун кейин кечаси кўзида ёт жисм ва оғриқ сезган. Кейинги кун эрталаб врачга мурожаат қилган. Текширилганда бемор умумий аҳоли қониқарли. Ички органлар томонидан патология топилмади. Ўнг кўз ўзгаришсиз, кўриш ўткирлиги 1,0. Кўз оптик муҳитлари тиник. Кўз тубларини ўзгаришсиз.

Чап кўз безовтарок, кўзидан қон аралаш кўз ёш оқиши кузатилади. Кўз олмаси юқори сегментда лимб бўйлаб соат 12 да тиббий зулукни бош қисми ёпишгани, тана ва дум қисми юқори конъюнктивал бўшлиққа чўзилиб ётгани аниқланди. Юқори конъюнктивда бир нечта зулук чаққан жароҳатлар бўлиб, ундан қон сизиб оқиб турибди. Шоҳ парда тиниқлиги сақланган, кўриш ўткирлиги 0,8.

Анамнез, объектив кўрик, шикоятларга асосан беморга “Чап кўз олмасидаги ёт жисм” (зулук) ташҳиси қўйилди.

Бемор кўзига 30 % альбучид ва 0,5 % дикаин эритмаси томизилиб, пинцет ёрдамида тирик зулук юқори лимб соҳасидан олиб ташланди. Олинган зулукнинг қалинлиги 3 мм, узунлиги 3-4 см. Беморга альбучид – 30 % ва левометинин – 0,25 % томизиб туриш тавсия қилинди.

Бемор бир кундан кейин кузатилганда $Vis = 1,0$, $1,0$ чап кўз тинчиган, юқори лимбда соат 12 да салқимон жа-



роҳат изи кўриниб турибди.

Учинчи кун чап кўз бутунлай тинчиган. Жароҳат излари топилмади, $Vis = 1,0$, $1,0$.

Юқоридаги ҳодисадан зулуклар нафақат организм тери қисмидан, балки кўз шиллиқ қаватидан ҳам чақиш-лиги, бундай чақишлар кўз учун ёмон асоратларсиз ке-чиши мумкинлиги хулоса қилинди.

Ўткир МАВЛОНОВ, Иzzат БАХРОНОВ, Шухрат МАХМУДОВ, Навоий вилояти кўз касалликлари шифохонаси.

СУРАТДА: шифохона бош шифокори Ўткир Мавлонов шогирдлари билан амалиётдаги ҳодиса тўғрисида суҳбатлашмоқда.

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Ёшлик кадрига кекса, соғ-лик кадрига бемор етади деганларидек, ҳеч бир инсон, ҳатто дўшманинг ҳам дард чекиб, азоб тортмасин экан. Мен ҳам икки бор юрак инфаркти, инсульт ҳамда кан-ди диабет касаллигининг 2-босқичи билан «Д» рўйхати-да врач назоратида тураман. Ёшим 50 да.

Хуллас, бундан беш йил муқаддам юрак инфаркти касалли-гига чалиндим. Кўзимга минглаб яшаётган одамлар дунёси ҳам тор бўлиб кўринди. Гўёки ҳаёт билан видолашаётгандек эдим. Лекин менинг бахтимга Навоий вилоят тоғ-металлургия комбина-ти директори Н. Кучерский каби саховатпеша инсонлар бор экан. У кишига ариза билан мурожаат қилдим. У инсоннинг ёрдами ту-файли 27-сонли Тиббий санита-рия бўлимида доимий даволаниш учун рухсат олишга муяссар бўлдим. Барчасидан қувонарли-си шунда эдики, икτισодий ша-роитим келишмаганлиги бос, барча дори-дармон ва муолажа ишлари бепул амалга оширилди. Шу-шу ҳар йили икки маротаба ушбу масканда даволаниб чиқа-ман. Ана шу муолажалар даво-мида олий тоифали шифокор-кардиологлар Исроил ва Раҳим Ражабовлар, кардиология бўли-ми бошлиғи Е. Ким, терапевт Сайёра Очиловна, ҳамширалар-дан эса Мухаббатхон ва Гулялар доимий суянимга айланди. Но-гиронлик нафақасига қишқимда менга яқиндан ёрдам берган ТМЭК бошлиғи Алижон Ҳасанов раҳбарлигидаги жамоага ҳам та-шаккур айтаман. Мана фурсати келган экан, севибли «Ўзбеки-стонда соғлиқни сақлаш – Здра-воохранение Узбекистана» газе-та орқали самимий миннатдор-чилигимни билдириб, уларга тани-соғлиқ, куч-ғайрат, шижоат, масъулиятли ва шу билан бирга шафтли ишларида улан муваф-фақиятлар тилайман.

Дил изҳори

Бундан ташқари, Кармана ту-мани марказий поликлиникаси раҳбари М. Пулатованинг ёрда-ми билан йўлланма орқали Ўзбе-кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. Семашко номидаги Сало-матлиқни тиклаш ва физио-терапия илмий-текшириш инсти-тутининг асаб касалликлари бўлимида икки йилдан буён да-воланиб қайтаман.

Ушбу бўлимга раҳбарлик қила-ётган олий тоифали шифокор Бўрибой Рўзикулов етакчилигида фаолият юритаётган жамоа хо-димларининг меҳнатларига таҳ-син ўқисанг арзийди. Айниқса, билимдон, тажрибали шифокор Бўрибой Рўзикулов томонидан яратилган шароит ва имконият-лар даволанувчиларнинг тезда соғайиб кетишларига ёрдам бер-моқда. Таъкидлашим жоизки, тажрибали мутахассисларнинг тўғри ташхислари билан ўткази-лаётган муолажалар, уларнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, чаққонлиги, самимийлиги ўз касбларига бўлган садоқатли ин-сонлар эканлигини кўрсата ола-ди. Шунингдек, физиотерапия бўлимидаги турли хил муолажа-лар, яъни электр токи ёрдамида,

лазер ва қуёш нурлари, магнит, шифобахш лой, минерал сувлар, уқалаш, жисмоний тарбия, игна ҳамда церкулярий душ билан даволаш инсон танасига роҳат бағишлайди. Мени даволловчи врачим Сурайёхондан ҳам ярат-миннатдорман. Чунки, фидойи шифокорнинг камтарлиқ, ширин-сўзлик ҳамда беморлар қалбига йўл топа олишдек фазилатлари ҳар бир беморда меҳр уйғотади. Бир-биридан чаққон, кўли енгил, қалби пок ҳамширалардан Дил-фуза Раҳматова, Гулшан Мирзо-итова, Замира Орипова ва бўлим бекаси Ибодат Расуловаларга ҳам юракдаги дил изҳорларимни айтиб, сиҳат-саломатлиги, оила-вий бахт, халқ саломатлиги йўли-даги улкан ишларида омад ёр бўлишини истаб қоламан. Бемор қалблар учун ўзларининг холис меҳнатларини аямаган юқорида номлари тилга олинган оқ халат соҳиб ва соҳибаларини яқинла-шиб келаётган мустақиллик бай-рамининг 14 йиллиги билан чин дилдан қутлайман.

А. БЕКНАЗАРОВ, биринчи гуруҳ ногирони, Навоий вилояти.



СУРАТДА: тажрибали шифокор Бўрибой Рўзикулов бемор-нинг соғлиғини назорат қилмоқда.

ДАРДИМГА МАЛҲАМ...

Ҳаётда ҳар касбнинг ўз ўрни ва фахрланасак арзий-диган томонлари борки, у ҳақда гапириб чарчоқ нима-лигини билмайсан киши. Ана шундай Оллоҳ назари тушган касблардан бири бу – шифокорликдир.

Мен биринчи гуруҳ ногирониман. Шу сабабли умримнинг кўп вақти тиббиёт ходимларининг қалбга даво, ширин муо-лажалари билан ўтганлигига ҳеч ҳам афсусланмайман. Агар аҳволим ёмонлашса, дарров Андижон вилояти, Олтинкўл ту-ман марказий шифохонасининг бир-биридан меҳрибон тиб-биёт ходимларига мурожаат қиламан. Яқинда тасодиф ту-файли радикулит касалига чалиниб, шифохонанинг физио-терапия бўлимида даволандим. У ерда мени электр нури, массаж, иссиқ шамлар билан даволашиб, оғир дардимга малҳам бўлдилар. Шу бўлимнинг ҳамшираси Нарғизахон Йи-гиталиеванинг кўрсатган енгил муолажалари, юракка яқин ширин сўзи мени оёққа тезда туриб, соғайиб кетишимга сабаб бўлди, десам янглишмайман. Шу фурсатдан фойда-ланиб, газета саҳифалари орқали мен мазкур шифохона-нинг барча бўлимларида меҳнат қилиб келаётган ҳамма тиб-биёт ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

М. ИСРОИЛОВА, Андижон вилояти.

САВОБЛИ ИШДА ТОПМАНГ

Юртимизда шундай шифо масканлари борки, улардаги шарт-шароит ва имкониятларни кўриб, беихтиёр хавасинг келади. Жаннатмакон диёримизнинг Андижон вилояти, Жа-полкудук туманидаги вилоят физиотерапия шифохонаси ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

1972 йилдан бери эл хизматидан толмайдиган бу масканда бу-гун ўз касбининг моҳир усталари, ширинсўз, тажрибали шифокор-лар меҳнат қилиб келмоқдалар. Шулардан Одилжон Давронов, Ра-нохон Бегматова, Саидкомил Қамбаров ва меҳрибон ҳамширалар-нинг беиминнат хизматларидан нафақат биз, балки шу ерда даво-ланиб чиққан барча инсонларнинг дил сўзларидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Айниқса, “Сиҳат-саломатлик йили”да шифохона бино-си замон талаблари даражасидаги гўзал маскан қиёфасини оли-шида ҳам, албатта, шу ерда фаолият юритаётган барча ходимлар-нинг ҳалол меҳнатлари ётибди. Дардимизга малҳам бўлган шифо-хона жамоасига ўз ташаккуримизни билдираман. Уларни муста-қиллигимизнинг 14 йиллигини билан самимий қўтлаб, халқ саломат-лиги йўлидаги шижоатли меҳнатларига зафарлар тилаймиз.

Б. ҲАСАНОВ, О. РАҲИМОВА, М. ИСРОИЛОВА, М. ОРЗИКУЛОВА, Андижон вилояти.

Умумий амалиёт врачларига амалий ёрдам

СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ ЎПКА КАСАЛЛИГИ

Шуни ҳам қайд этиш мумкинки, киши ёши улғайган сайин унда ушбу хасталикнинг ривожланиш хавфи ошади. Агар СОЎК билан 40 ёшларда 3-6 фоиз кишилар дардга учраса, 70 ёшга бориб бу кўрсаткич 24,1 фоизгача ошади. Америкада 65-74 ёшли эркакларнинг 13,6 фоизи ва шу ёшдаги аёлларнинг 11,8 фоизи СОЎКга дучор бўлмоқда. Европада ҳам бу хасталикнинг ўсиш жараёни юқоридигандан жуда кам фарқ қилади.

Ўзбекистонда аҳоли нафас аъзолари касалликлари сон жиҳатдан биринчи ўринни эгаллайди. Сўнгги 10 йил ичида носпецифик ўпка касалликлари бўйича касалланиш кўрсаткичи 2,5 баравар ошди, шифохонага ётқизилган пульмонологик хасталикка эга беморлар сони юрак-томир ва эндокрин хасталиклар билан оғирган ётоқли беморлар сонидан ошиб кетди. Республикада сурункали носпецифик ўпка касалликларидан вақтинча ишга яроқсиз одамлар сони 12 фоиз, ногиронлар сони эса 3 фоизга кўпайган. Ўзбекистонда бу касалликлардан ўлим ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда, бу эса МДХда тегишли кўрсаткичлардан 1,5-2 баравар ортиқдир. Кишлоқ ҳудудларида ўпканинг носпецифик касалликларидан ўлим кўрсаткичи айниқса юқоридир. Сурункали обструктив ўпка касаллигига асосан сурункали обструктив бронхит ва ўпка эмфиземаси оқибатида келиб чиқадиган нафас йўллари обструкцияси билан характерланган ҳолатлар киради.

Академик А. Чучалин ва айрим Америка олимлари СОЎКга, яъни сурункали обструктив бронхит ва эмфизема қаторига оғир бронхитал астма, бронхоэктатик касаллик, муковисцидоз ва облитерацияли бронхоэктатикларни ҳам киритишни таклиф қилганлар. Бизнинг фикримизча, бу тўғри таклиф, чунки юқорида кўрсатилган касалликлар ҳам борган сари зўрайиб, оғир нафас етишмовчилигига олиб келадиган, кўпинча ортга қайтмас ва прогнози нохуш касалликлар қаторига киради.

Аммо, 2002 йил ноябрь ойида Москва шаҳрида Россия пульмонологларининг бронх-ўпка касалликларига аталган XII конгресси бўлиб ўтди. Шу форум материалларига биноан кўпчилик Европа ва Россия олимлари СОЎКга фақат сурункали обструктив бронхити ва ўпка эмфиземасини қолдириш тўғри бўлади, деган фикрга келдилар ҳамда сурункали обструктив бронхит ўрнига, «Сурункали обструктив ўпка касаллиги» атамаси қабул қилиш таклифи қилинди. Ана шу хулосага асосий сабаб, бу касаллик ўзига хос мустақил патогенетик ва морфологик ўзгаришларга эга ва бу ўзгаришлар нафақат бронхларда, балки албатта ўпкани паренхимаси тўқималарида бўлади. Буни назарда тутиб, сурункали обструктив бронхит ўрнига сурункали обструктив ўпка касаллиги атамаси (СОЎК) кўпроқ тўғри келади. Қолган обструктив касаллик-

Бугунги кунда сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) аҳоли касалланиши ва ўлимнинг асосий сабабларидан биридир. Дунёда ушбу хасталикнинг тарқалиши тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб 1000 аҳолига нисбатан олганда ушбу касаллик эркаклар орасида 9,3 фоизни ва аёллар орасида 7,3 фоизни ташкил этади. Чунинчи, 1990 ва 1999 йил кўрсаткичлари солиштирилганда СОЎК билан касалланиш аёллар орасида эркакларга нисбатан 25 фоиздан 69 фоизгача кўтарилган.

лар (бронхиал астма, муковисцидоз, бронхиолит, бронхоэктатик касаллик каби) ўзича мустақил нозологик турларига эга.


Сурункали нафас органлари касалликлари орасида энг кўп тарқалган касаллик сурункали оддий бронхитдир. Сурункали бронхит касаллиги беморларда 2 йил давомида, камида 3 ой мунтазам йўтал ҳамда балғам ажратиш билан кўринади. Бунда нафас олиш марказий ҳаво йўллари сатҳида жойлашган патологик жараён асосан йирик бронхларда бўлиб, ушбу хаста-

лар силлиқ мушаклари спазми натижасида юзага келиб, бунда майда бронхлар шиллиқ пардаларининг шишиши ва уларнинг обструкцияси кузатилади. Ушбу ҳолат «дистал бронхит» деб аталади.

Этиологияси. СОЎКнинг келиб чиқиш омиллари талайгина.

СОЎК шаклланишининг асосий сабаблари:

- * атроф-муҳитнинг айрим нохуш таъсири;
- * касбга алоқадор зарарли факторлар;



лик «проксимал бронхит» деб номланади.

Оддий бронхитда – трахеобронхиал субмукос безлар гипертрофияси ва шиллиқ парда трахеобронхиал ҳужайраларининг (қадахсимон ва ҳиллилловачи эпителий ҳужайралари) гиперплазияси, шиллиқ парданинг яллиғланиши кузатилади. Бундай ҳолат нообструктив бронхитга хос бўлиб, у сурункали бронхитга эга беморларнинг қарийб 3/4 қисмида кузатилади. Бу тур бронхитларда бемор умумий аҳоли қоңиқарли бўлиб, унда иш қобилияти ҳам сақланиб қолади. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, юқоридаги ҳолат тамаки чекувчиларда бўлганда, кўпинча уни фақат тамаки чекиш белгиси деб киши бошида врачларга мурожаат қилмайди. Лекин касаллиkning аста-секин кучайиб бориши беморни шифокорга олиб келади.

Сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) замонавий пульмонологияда долзарб муаммо саналади. СОЎК – бронх шиллиқ пардасининг сурункали ноаллергик яллиғланиши бўлиб, зўрайиб борувчи нафас етишмовчилигига олиб келадиган нафас йўллари обструкцияси билан тавсифланади. СОЎКда рўй берувчи обструкциянинг қайтарилмас ва қисман қайтарилувчан турлари бор. Қайтарилмас тури ўпканинг эластик коллаген стромаси деструкцияси, бронхиолалар деформацияси ҳамда облитерацияси билан боғлиқ. Қайтарилувчи тури эса бронх-

* тамаки чекиш (актив ва пассив);

* ирсий мойиллик (организмда альфа 1-антитрипсин (альфа 1-АТ) етишмовчилиги).

СОЎКнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган кўшимча омилларга қуйидагилар киради:

- вирусли респиратор хасталикларининг бўлиши: бунда кўпинча нафас йўллари эпителиал ҳужайраларида вирусларнинг сақланиб туриши (персистенция) кузатилади ва бу айниқса, СОЎК кўзиганда алоҳида аҳамият кашф этади;

- ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка дучор бўлган кишиларда бу хасталик ҳолатлари СОЎК пайдо бўлишига замин ҳозирловчи омиллар ҳисобланади;

- кишининг ўз ҳаётини эҳтиёжларига мос келмайдиган ижтимоий-иқтисодий аҳоли, болалиги туғилганда кам вазнда бўлиши, иммун статусининг ўзгарганлиги (масалан, сектор JgA камайиши), 40 ёшдан ошган палла, айниқса, эркакларда.

Патогенези

СОЎК носпецифик таъсирларга жавобан нафас йўллари обструкцияси ва бронхлар констрикцияси билан тавсифланади. Қайтарилмас ва қайтарилувчан обструкция ҳолатлари бир-биридан обструкцияси ва бронхлар констрикцияси билан тавсифланади. Қайтарилмас ва қайтарилувчан обструкция ҳолатлари бир-биридан фарқли патогенетик механизмларга эга.

Обструкциянинг қайтарилувчан тури бронхлар шиллиқ пардалари яллиғланиши, уларнинг шишиши, балғам билан тўсилиб қолиши, қадахсимон ҳужайралар сони ортиб, уларнинг зўр бериб ишлаши оқибатида юз берадиган шиллиқ пардалар гиперсекрецияси ҳамда бронхлар спазми билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар нафас йўллариининг торайиши, яъни бронхообструктив синдроми ривожланишига олиб келади. Баён этилган механизмлар асосан парасимпатик асаб тизими (холинэргик рецепторлар)нинг фаоллашуви туфайли юзага чиқади. СОЎК билан оғирган беморларда холинэргик рецепторларнинг ҳаддан зиёд реакцияси тўлиқ ҳужайраларнинг фаоллашуви, яллиғланиш медиаторларининг кўплаб отилиб чиқишига, бронхлар шиллиқ мушаклари тонусининг ошишига олиб боради. Натижада, шиллиқ ва шиллиқ ости пардаларида яллиғланиш жараёни бошланади. Кези келганда бундай ҳолларда холинэргик рецепторларнинг максимал эчилиги йирик ва урта ўлчамлардаги бронхлар сатҳида қайд этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Обструкциянинг қайтарилмас тури альвеоляр деструкция туфайли, ўпканинг эластик хусусияти йўқолиши сабабли шаклланади. Парчаланган полинуклеар лейкоцитлар (нейтрофиллар) энг муҳими эластаза ва макрофаглар эса протеазаларнинг асосий манбаи саналади. Кўпгина тадқиқотларда СОЎКга учраган беморларда ҳужайра мембранасининг бириктирувчи тўқимага тегиб турадиган жойларда (эластазани юқори концентрацияларда ажратиш қобилияти бўлган) фаол нейтрофиллар кўп миқдорда тўпланиши кузатилган. Шундай қилиб, нейтрофилларнинг кўчган жойларида ажратган эластаза миқдори ингибиторларнинг шу ферментни назорат қилиш қобилиятининг сустлиги килади, ушбу ҳол ўпка бириктирувчи тўқимаси деструкциясига ва ниҳоят, эмфизема ривожланишига сабаб бўлади. Альфа-1-антитрипсин нейтрофил эластазасининг асосий ингибитори ҳисобланади. Бу фермент танқислиги майда капиллярларда қон айланишининг издан чиқишига, альвеолалараро бўшлиқларнинг емирилишига олиб боради ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган маълумотлар, айнан ўпка эмфиземаси СОЎКда зўрайиб борувчи қайтарилмас функционал СОЎК паталоганоатомик жиҳатдан бронхит ва эмфиземанинг ўзига хос комбинацияси ҳисобланади, шу боис деярли барча хорижий мамлакатларда «сурункали обструктив бронхит» атамаси «сурункали обструктив ўпка касаллиги» атамаси билан амалтирилган.

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
академик.

(Давоми бор).

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» –
РЕГИСТОН УЗРА
ТАРАЛАЁТГАН НАВОЛАР



Мана бир неча кундирки, кўҳна Самарканд заминидида тобора анъанага айланиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мухлисларга олам-олам завқ бағишлаб, кўнгиллари хуш-ўтмдоқда. Кўни кеча мамлакатимизнинг мусиқа ихлосмандлари «Шарқ тароналари» – 2005» мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимини ойнаи жаҳон орқали мириқиб томоша қилдилар. Дийримиздан етишиб чиққан санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, беназир рақслари билан бутун дунёдан ташриф буюрган меҳмонлар олқишига сазовор бўлишди.

Фестиваль эндигина авж палласига кирди. Умид қиласизки, ўзбекистонлик созанда-ю хонандалар ўзларининг бетакорр наволари ва сеҳрли рақслари билан мусиқа билимдонлари эътиборини тортди, энг олий мукофотларга сазовор бўлишди. Мусиқа анжуманида иштирок этиш, биргина юқори ўринлар учун курашгина эмас, балки бу санъат аҳлининг бир-бири билан дилкаш, дўстона суҳбатлари, муаззам шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиш ва мусиқа шайдолари билан қизқарли суҳбатлар ҳамдир. Юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга «Хуш келибсиз» дея мулозамат кўрсатган эканмиз, уларнинг дийримизда кўнглили ҳордиқ чиқариб, бу юртининг ўлмас наволари, бағрикенг халқининг меҳмоннавозлигини бир умр қалбига муҳрлаб кетишига тилишмоқчимиз.

М. МИРАЛИЕВ.

Хабар БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдиндан Мирзо Улуғбек туман ҳудудий тиббий бирлашмаси, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси кўмағи билан туман аҳолисига айрим касалликлар туфайли доимий руйхатда турувчи фуқароларга беғараз ёрдам сифатида дори-дармон маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, туман ҳудудий бирлашмасининг марказий поликлиникасида ҳам катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда қатнашган меҳмонлар аҳоли соғлиғини яхшилаш борасидаги вазифаларни кучайтириш ва эзгу мақсадлар йўлида хайрли ишларга қўл уриш кераклигини алоҳида эътироф этдилар. Тадбир сўнггида ташриф буюрган хонандаларнинг ўзига хос чиқиши байрам кайфиятига шодидна руҳ улашди.

Намоз ТОЛИПОВ.



ҲАМШИРАЛИК ИШИ Навоий вилояти

— Хурсанд Тоировна, мана даврлар ўтиши билан фан тараққиёти ҳам ўзининг улкан чўққиларини забт этиб боради. Бу жараён эса турли соҳада ўзгача мазмун ва моҳият касб этади. Мана сиз кўп йиллик тажрибага эга ҳодим сифатида бугунги давр билан ўтмиш тарихидаги ривожланишни қандай баҳолайсиз?

— Жуда тўғри айтдингиз. Ҳамширалик касбига 1964 йилдан бошлаб қадам қўйган бўлсам, бу давр мобайнида кўплаб босқичларда фаолият юритдим. Даставвал кишлоқ шароитидаги амбулаториялар-

архволда эди? Бугунги кун нуқтаи назаридан улар ўртасидаги фарқни кузатадиган бўлсак, натижалар ва муваффақиятларни кўриб, ўсиш суръати нақадар самарали бўлаётганлигидан қувонамиз. Айниқса, ҳамшираларга бўлган эътибор ва назар умуман бошқача. Шарт-шароитлар, имкониятлар чексиз. Авваллари ҳамшираларнинг жаҳон андозалари асосида билим олишлари ва чет элда малака ошириб, ҳар томонлама имкониятлари кенг “замонавий ҳамшира” бўлишларини орзу қилиб келардик. Мана қисқа давр ичида мутахассисларнинг бу борадаги тезкор саъй-ҳаракатлари билан улкан чўққиларни забт

“Ҳамширалик иши” борасидаги ислохотлар самарасининг ютуқли натижалари ва тадбирлари, айниқса, айни пайтда олиб борилаётган фаол жараёнлар билан сиз газета саҳифалари орқали танишсиз. Албатта, бу каби улкан муваффақиятларни қўлга киритиш учун фақатгина меҳнатнинг ўзи кифоя эмас, балки инсонда раҳбарларга хос шижоат, матонат, узоқни кўра билувчи ўткир нигоҳ ва қатъиятчилик бўлиши керак, назаримизда. Намуна сифатида айтиш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ҳамширалик иши” бўйича бош мутахассиси Рихси Солихўжаеванинг одилона йўлга қўйган раҳбарлик сиёсати бугун қисқа вақт ичида давр кўзгусига айланиб, ўзининг муайян натижалари билан кенг ислохотларга йўл очди. Шу маънода республиканинг қайси бурчда бўлмалар, “Ҳамширалик иши” борасидаги илғор намунадаги ишларни кўриб, беихтиёр кўзимиз қувонади. Бу эса жойлардаги эътибор ва тарғибнинг нақадар устун эканлигидан далолатдир. Бугунги мақоламиз Навоий вилояти “Ҳамширалик иши”нинг айни кунлардаги фаолиятига бағишланади.

Сўхбатимиз қаҳрамони Кармана тумани марказий шифохонасининг “Ҳамширалик иши” бўйича бош шифокор муовини Хурсанд Қодирова билан бошланди. Қарангки, Хурсанд Тоировна бир неча йиллардан буён шу касбда сидқидилдан меҳнат қилиб, чарчоғу заҳмат нималигини билмайди.

кадрлар масаласи қай даражада йўлга қўйилган?

— Етук кадр муаммоси бугунги кун ва эртанги келажак учун муҳим экан, ушбу масала доимо мутахассисларни ўйлантириб келган. Бу борада қилинаётган аксарият ишлар эса асосан ҳамшираларнинг фаолиятидаги мавқеи-

лар. Эндиликда улар ўрганган борилму маҳорат ва тажрибаларини ҳамкасблари орасида татбиқ этиб бормоқдалар. Ундан ташқари, жаҳон андозаларига жавоб берадиган “НОРЕ” лойиҳаси бўйича ҳам талайгина ишларни қўлга киритдик. Саволдан келиб чиқадиган бўлсак, кадрлар масаласи ши-

да нарсаларга сарф қилаётгандек кўринади. Шу каби муаммолар аста-секинлик билан ўз ечимини топиб боради. Яна бир қувонарли томони, ҳозирги кунда ҚВЛпаримизда ҳамшира таъҳисси йўлга қўйилган бўлиб, бу то врач қабулига қадар беморларга анча енгил-

«ЭЪТИБОР ВА ТАРҒИБ ҲАР ИШДА МУҲИМ»



да, сўнгра жарроҳ ҳамшира ва болалар бўлими бош ҳамшираси лавозимларида анча вақт меҳнат қилдим. Қарангки, ҳар даврнинг ҳам ўз муҳити ва шарт-шароити бўлганидек, ишлаш жараёнида биз бу ҳолатнинг бевосита таъсири борлигини кўриб турибмиз. Ҳўш, бундан 12 йил аввал “Ҳамширалик иши”га бўлган эътибор қай

этишга эришилди. Республика Ҳамширалар Ассоциациясининг ташкил этилиши эса бу жараёни янада тезлаштирди. Етишиб келаётган ёш кадрларнинг имкониятлари мўл бўлиши учун барча қулайликлар яратиб берилди.

— Демак, кенг имконият етук мутахассисларни тарбиялашда ҳам муҳим ҳисобланади. Шундай экан, муассасада

ни камол топтиришда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Кармана туманидаги тиббиёт муассасаларида бугунги кунда 606 та ҳамшира меҳнат қилиб келмоқда. 16 та ҚВЛ эса муассаса тасарруфида бўлиб, у ерларда фаолият юритаётган фельдшерлардан 3 таси Исроил давлатининг “МАШАВ” дастури асосида малакаларини ошириб қайти-

фоҳонамизда яхши йўлга қўйилган. Муаммоларга учрасак, уларни ҳар таъмонлама ечишга ва ҳал қилишга ҳаракат қиламиз, асосийси, олдинга қўйилган мақсад учун тўсиқларга қарамай курашишга интилимиз.

— Ҳозирги кунда тиббиёт коллежларини таъмонлаб келаётган кўпгина ҳамшираларнинг ишига бўлган лаёқатлари ва қолаверса савиялари тўғрисида нима дея оласиз?

— Албатта, улар бу ерга ишга келганда табиийки, тажрибага тўлиқ эга бўлмайдилар. Шунинг учун биз ёш мутахассислар учун имкон қадар шароитларни яратиб бериб, уларни тажрибали устозлар қўлига топшираемиз. Чунки, амалиёт — натижа маҳсули. Талаба билим юртида олган бор билимини ана шу жараёнданда бевосита қўллайди ва иш ўрганади. Ҳаттоки, баъзи талабаларнинг билим савияларини кўриб, ҳавотирга тушамиз. Улар бор вақтини билим ўрганишга эмас, балки беҳу-

ликлар яратади. 1998 йили 400 га яқин ҳамшира Ҳамширалар Ассоциациясига аъзо бўлган. Бундан қўзланган асосий мақсад, ҳамшираларимизни дунё билан тенглаша оладиган даражада етук мутахассис, янгилар сари интилиб, ўз устида мустақил ишлай оладиган, универсал, замонавий ҳамшира бўлишларига эришишдир. Шифохонамиз бош шифокори Ю. Эргашев ҳар битта ҳодимга қандай эътиборли бўлса, айни кунларда ҳамширалик жараёнига ҳам бўлуларнинг илғор суръатларда боришига ҳам муайян ҳиссасини қўшиб келмоқда. Аъёнага айланган “Ҳамшира” кўрик-танловларида муассасамиз раҳбарияти доим биринчилардан бўлиб, барча иштирокчиларга қўлидан келган ёрдамини аямайди. Мана яқиндагина ўтказилган вилоят босқичида шифохонамиз ҳамшираси фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳа, ҳамшира — дунёқараш кенг, салоҳиятли ва билимдон бўлишини ҳаммамиз ҳам орзу қиламиз ҳамда ҳавас билан қараймиз. Лекин бу ишонч умидлари эндиликда рўёбга чиққандек гўё. Ҳамширанинг бугунги қиёфаси замонавийлик даражасини тутганини кўриб, ишлар маҳсули бе-самар кетмаганлигига, мутахассисларнинг жонқуярликлари мева бераётганлигига таҳсинлар айтгимиз келди. Бинобарин, Хурсанд Қодирова айтганларидек, ҳар ишда эътибор ва тарғиб бўлса, ўша ерда албатта, ўсиш ва ривожланишдан нишона бўлишига ишонамиз.

Эътиром

ФИКРИ СОҒЛОМ АЁЛНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Аёл она, аёл шифокор, аёл муҳандис-тадбиркор ва яна ҳамшира — барчасига мўъжизакор аёл! Илк бор чақалоқ дунёга келиши биланок, она тафтини сезишдан олдин, шифокор қўлларидан ҳаётнинг ширин нафаси ва туйғусини ҳис этади.

